TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 11-dekabr / CHORSHANBA / № 98 (13757)

Тошкент вилоятидаги катта имкониятлар инвестиция ва иш ўринларига замин

Президент Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни Тошкент вилоятида қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, туризм, умуман, барча соҳаларда жуда катта имкониятлар бор. Сўнгги етти йилда ҳудуд иқтисодиёти 1,5 баробар ўсган. Саноат корхоналари 2 баробар кўпайиб, 12 мингтага етган.

Лекин имкониятлар бундан анча кўп, улар тўла ишга солинмаяпти. Масалан, вилоятдаги жами ерларнинг бор-йўғи 25 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Ҳар гектарга тўғри келадиган даромад ҳам бошқа жойларга нисбатан кам. Бекобод ва Оҳангарон шаҳарлари, Оққўрғон, Чиноз, Пискент туманларида қайта ишлаш даражаси жуда паст. Озиқ-овқат хавфсизлиги, мева-сабзавотлар экспорти ҳам имкониятга яраша эмас.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари белгиланди. Унга кўра, ҳар бир кластер, фермер ва деҳқон хўжалиги майдонидаги экинлар, маҳсулот ҳажми, ишчилари сони, солиқ тушуми каби маълумотлар «Агроплатформа» ахборот тизимига киритилади. Келгуси йилда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 7 та туманда 52 минг гектарда 3 марта ҳосил олиш йўлга қўйилади. 5 минг гектарда саноатлашган боғ ва токзорлар ташкил қилинади.

Умуман, 22 та туман-шаҳардаги ерлар қайта ишловчи ва экспортчи корхонага боғланади. Бу орқали келаси йил 3,5 миллион тонна мева-сабзавот етиштириб, 500 миллион доллар экспорт қилиш мумкинлиги айтилди.

Тошкент вилоятининг инфратузилмаси, логистикаси тадбиркорлик учун жуда қулай. Лекин ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар умумий майдони уч йилда бор-йўғи 1,6 миллион квадрат метрга ошган, бу пойтахтдан 3,5 баробар кам. Инвестициявий лойиҳалар учун тоифаси ўзгартирилган 9 минг гектар ернинг 2 минг гектаридан фойдаланилмаяпти. Бўш турган давлат иншоотлари ҳам бор.

Ҳолбуки, инвесторлар бу ҳудудда “ақлли шаҳар”, тиббиёт кластери, яшил энергетика станцияси қуриш ташаббусини билдирган. Водийлик ва пойтахтлик минглаб тадбиркорлар ҳам бизнесини кенгайтириш, янги корхона, меҳмонхона, савдо ва туризм мажмуалари қуриш учун жой излаб юрибди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва вилоят мутасаддиларига бу борадаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди. Бино ва ерларни тадбиркорларга қулай шартда аукционга чиқариш, уларнинг негизида инвестиция, иш ўрни ва экспортни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти ҳокими келгуси йил 5 миллиард доллар инвестиция жалб этиш ҳамда экспортни 2 миллиард долларга етказиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Давлатимиз раҳбари унинг таркибига эътибор қаратиб, кутилаётган инвестициянинг ярми шундоғам ривожланган Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Зангиота ва Қибрай туманларига тўғри келишини қайд этди. Шу боис саноат ва хизматлар нисбатан орқада бўлган Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Паркент, Пискент, Қуйи Чирчиқ ва Чинозда қўшимча лойиҳалар қилиб, иш ўринлари очиш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент вилоятидаги имкониятлар ҳисобига барча аҳолини даромадли қилиш мумкинлиги айтилди. Келгуси йилда вилоятда 700 минг одамнинг бандлигини таъминлаб, ишсизликни табиий даражасигача тушириш, 22 минг оилани даромадли қилиб, камбағалликни ҳозирги 7,2 фоиздан 4 фоизга камайтириш, меҳнат мигрантларини юртимизга қайтариб, ишга жойлаштириш вазифа қилиб олинди.

Президентимиз йиғилишда қатнашган вилоят тадбиркорлари билан ҳам мулоқот қилди. Уларнинг таклиф ва ташаббусларига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Олмалиқ: ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ТУТАШГАН ШАҲАР



Қураманинг улуғвор тоғлари бағридаги сўлим ва озода шаҳар – Олмалиққа келган инсон борки, диёримизнинг ҳақиқий файзи ва тароватини ҳис қилади. Яратган жаннатмонанд юртимизга нимаики ато қилган бўлса, қандай бойлик ва неъматлар билан сийлаган бўлса, уларнинг ҳаммасини Олмалиқда кўриш мумкин.

“Тошкент ҳақиқати” минбари





Қобил ҲАМДАМОВ, Олмалиқ шаҳар ҳокими

Шаҳарга раҳбар бўлиб келган илк кунимданоқ буни ҳис қилиб, зиммамга катта масъулият юкланганини англаганман...

Айниқса, Президентимизнинг жорий йил октябрь ойида Тошкент вилоятига ташрифлари ва шаҳримизда ўтказган йиғилишларида ҳудуддаги иқтисодий-ижтимоий натижаларни атрофлича таҳлил қилиб, қўшимча имкониятларни кўрсатиб берганлари бу масъулиятни икки карра оширди.

4

Президент ташрифидан кейинги ўйлар

Бўстонлиқ – мўъжизалар майдонига айланмоқда

Аввал хабар қилинганидек, жорий йилнинг 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташриф буюриб, транспорт, энергетика ва туризм соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди. Табиийки, бу ташриф ҳар сафаргидек, вилоятимиз аҳли ва меҳмонлари ҳаётида ўз акс-садосини беради, ижтимоий-иқтисодий тармоқлар салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Бу йўллар азоб эмас, роҳат

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари. Ёш боламан. Элас-элас хотирлайман. Қурут, ёнғоқ, бодом, асалли тугунча билан Қибрайдаги уйимизга келган хўжакентлик Санам бувимиз бошидаги ялагини олиб: “Уф, йўл азоби, гўр азоби”, дер эди.



Аслида ҳам Тошкентдан Хўжакентга бориш катта машаққат эди. Тошкентнинг Салар автобекатидан Бурчмуллага қатнайдиган автобусга “илиниб олган” йўловчининг ошиғи олчи бўларди: уч-тўрт соатда манзилга етиб оларди. Бу автоулов қатнови йўловчиларнинг кам-кўплигига боғлиқ бўлиб, кунига икки, уч мартадан ошмасди. Тоғли қишлоқларга борадиганлар йўлдаги Эшаккўприксойда ёппасига мошиндан тушардилар. Кўприкдан аввал бир эшикли ботинкасимон ПАЗ русумли автобус, кейин йўловчилар бирин-кетин ўтиб олардилар.

Автобусга илинмаганлар дастлаб Чирчиққа, ундан Ғазалкентга, сўнгра эса манзилга – нақ учта транспортда етиб олишарди. Бунга камида ярим кун кетарди. Тоғли қишлоқдагилар баъзан Ғазалкентда ёки Хўжакентда тунаб, йўлни эртасига давом эттиришган ҳолатлар ҳам бўлган.

Бугун булар шунчаки хотира, холос. Президентимизнинг ўтган йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти трансформация қилинмоқда. Тошкент атрофида ҳам электрлашган йўл қурилиб, поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди. Қувонарлиси, “Тошкент–Хўжакент” йўналишида янги электропоезд қатнови йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари шу йил 6 декабрь куни Тошкент вилоятига ташрифи чоғида ушбу поездга чиқиб, унинг ҳаракатланиши ва қулайликлари билан танишди. Вагонлар шинам ва ёруғ, йўловчилар учун қулай. Поезд соатига 120 километргача тезликда ҳаракатланади. Ҳар бир тарафга кунига учтадан қатнов йўлга қўйилади. Тошкентдан Хўжакентга бориш ёки қайтиш учун энди бир соат атрофида вақт сарфланади. Йўл ҳақи ҳам анча арзон.

Бутун йўл давомида, айниқса, Қоронқулда елдай учиб бораётган поезд вагонларидан атрофга назар ташлаган одамнинг баҳридили очилади, кўзлари равшан тортади. Олислардаги пурвиқор тоғлар, кенг адирлар ҳали бирор бир мусаввирнинг асарларида тўлақонли акс эттирилмаган бўлса, ажабмас.

(Давоми 2-саҳифада)

Сана

ЭЪЗОЗ ВА ШАРАФГА ЭНГ МУНОСИБЛАР



2



БУГУН – "ҲАҚИҚАТ" ТУҒИЛГАН КУН



Бугун, 11 декабрь – "Тошкент ҳақиқати" газетаси ташкил этилган кун. Бундан 96 йил муқаддам худди шу куни газетанинг биринчи сони чоп этилган эди.

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

TOSHKENT HAQIQATI

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Бу йил 96 ёшни қаршилаган мўйсафид газетамизнинг 97 ёшда ҳам барҳаёт бўлиши бугун Сизу бизнинг меҳру эътиборимизга боғлиқ!

"Кексани овқат, газетани обуна асрайди", деган гап бор. Шундай экан, қадрдон газетангизга

2025 йил учун ОБУНА бўлишга шошилинг!

Тилагимиз: обуна бўлганлар газетамизнинг ёшига етиб юрсинлар!

"Ҳақиқат"ни қутлаш... (узр, обуна бўлиш) учун телефонлар:

55 520-64-95, 97 432-00-35

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, нуронийлар, фаол ёшлар иштирок этишди.

Шукуҳ





Дастлаб фахрий қоровул саф тортди, ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради.

Тадбирда Президентимизнинг байрам муносабати билан халқимизга йўллаган табригини Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ўқиб эшиттирди.

Қайд этилганидек, Конституция миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқ ва марраларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш – Конституциямизнинг бош мақсадидир. Эндиликда “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир” деган конституциявий нормага мувофиқ халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши қатъий белгиланди. Ҳозирги кунда раҳбарларнинг узоқ қишлоқларга бориб, аҳоли мурожаатлари билан ишлаши анъанага айланди.

Тадбирда охирги 3 йилда камбағалликка қарши курашиш бўйича давлатимиз раҳбари яратиб берган тизим натижасида Тошкент вилоятида камбағаллик даражаси 23,2 фоиздан 10,2 фоизга тушгани таъкидланди. Эндиликда иш ҳақи ва даромади паст бўлган, камбағалликдан чиқишга имкони йўқлар, шунингдек, ўз билимига эга фуқароларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Аҳамиятлиси, бугун ўзини шу юрт равнақига, ёрқин келажагини қуришга дахлдор ҳисоблаган инсон борки, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар “Инсон қадри учун” деган тамойилга асосланганини қалбдан ҳис этмоқда.

Шу каби “Конституция – эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Ўз мухбиримиз
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



ЭЪЗОЗ ВА ШАРАФГА ЭНГ МУНОСИБЛАР



“Қибрай” дам олиш масканида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни кенг байрам қилинди. Тантанали тадбирда соҳа фахрийлари, кластерлар вакиллари, фермерлар, миришкор боғбонлар, агротехника илғорлари жам бўлишди.

Тадбирда Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган байрам табригини Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ўқиб эшиттирди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда вилоят аҳолисининг 37 фоизининг бандлиги айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасига тўғри келади. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 38 фоизи шу тармоқда яратилиши соҳанинг салмоғи нақадар юқори эканлигини кўрсатади.

Айни пайтда ҳудудда жами 5 минг 600 та фермер ва 856 та бошқа мулк шаклидаги субъектлар фаолият юритади. Шунингдек, 12 та пахта-ғаллачилик, 28 та мева-сабзавотчилик ва 10 та шоличилик кластерлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Айниқса, ғалла ва пахта ҳосилини етиштиришда аксар фермер-деҳқонларимизнинг ўрни салмоқли бўлди. Шунингдек, боғ-ток қатор оралари ва такрорий майдонларда ҳам мўл сабзавот маҳсулотлари етиштирилди.



Тадбирда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар соҳа заҳматкашларининг меҳнатлари туфайли



экани таъкидланиб, тупроқдан ноз-неъмат ундириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилаётган миришкор деҳқону фермерлар, боғбону чорвадорлар шарафланди.

Маросимда бир гуруҳ соҳа вакилларига “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишонлари топширилди.

Байрам кечасида эл суйган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар ҳамда вилоят Маданият бошқармаси томонидан тайёрланган бадиий дастур барчага манзур бўлди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Вилоят бўйлаб



НУРАФШОН шаҳрида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Оила боғи» барпо этилди. Қайд этилганидек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилган боғларга кўчат экишда хотин-қизлар фаол иштирок этишмоқда. Янги ташаббус ортидан жойларда 100 га яқин «Оила боғи» ташкил этилди.



ЧИРЧИҚ шаҳрида юқори сифатли плёнка ва пластик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи завод ишга тушганлиги ҳақида Эроннинг Форс ахборот агентлиги farsnews.ir сайтида маълумот берди. Унда айни пайтда Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокидаги 961 дан ортиқ қўшма корхона мавжуд эканлиги таъкидланган.



БЎСТОНЛИҚ туманидаги «Ёшлар оромгоҳи»да вилоят ҳокими ташаббуси билан маҳаллаларда фаолият олиб бораётган фаол ёшлар етакчилари, сардорлар, волонтёр йигит-қизлар иштирокида уч кунлик саёҳат ташкил этилди. Саёҳат доирасида концерт дастурлари, ўқув-семинарлар, турли спорт мусобақалари ўтказилди.



ПАРКЕНТ туманида коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар юзасидан ҳуқуқий семинар бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими ҳамда прокурори йиғилганларга коррупциянинг оқибатлари, содир этилган жиноятларнинг сабаблари, шарт-шароитлари, қонунда белгиланган жавобгарлик турлари борасида маълумот беришди.



...Поезд Хўжакентга яқинлашганида йўловчилардан бири ҳамроҳига ҳазиломуз гап қотади:

– Ўзимиз билан санчқи оволсак бўларкан. Бу ерда кислородни пичоқда кесиб, санчқида оғизга соладиган экан, ўзиям...

“Тошкент–Хўжакент” йўналишида янги электропоезд қатнови йўлга қўйилганидан маҳаллий аҳолининг қувонганини айтинг. “Йўл азоб эмас, роҳатга айланди. Пойтахтгача бўлган масофа бир қадам бўлиб қолди”, дейишмоқда миннатдорлик туйғуларини яширолмаётган бўстонликликлар. Бу гапни бугун-эрта ҳудудга келаётган сайёҳлар ҳам айтишса, ажаб эмас.

Туризм – ҳудуд драйвери

Дунёнинг энг машҳур оромгоҳларида дам олувчилар учун яратилган шароитларни ўзимизда ҳам қилса бўладими? Ўзимга ўзим бериб юрадиган бу саволга бугун дадил жавоб бера оламан.

Президентимиз Бўстонликдаги бунёдкорлик ишлари билан танишиб, янги вазифаларни белгилаб берганидан кейин бу дадиллик комил ишонч касб этди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда бу ерда инфратузилма яхшиланиб, йилнинг тўрт фаслида ҳам мароқли ҳордиқ чиқариш имкониятлари кўпаймоқда. Дам олиш, соғломлашиш, тоғ-чанғи, саёҳат, умумий овқатланиш мажмуалари барпо этилди. Эскилари янгиланди.

Натижада ҳудуд бўйлаб туризм жадал ривожланиб бормоқда. Мутасаддиларнинг айтишига кўра, Бўстонликка ташриф буюрувчилар сони карра-каррасига ошган. Жумладан, беш йил олдин бу ерга йилига 850 минг сайёҳ келган бўлса, шу йилнинг 11 ойида улар сони 12 миллиондан ортибди.

Келгусида бу рақам янада салмоқли бўлиши шубҳасиз. Туманда қурилаётган “Чорвоқ дарвозаси”, “Ugam River” туристик мажмуалари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Президентимиз ҳар икки мажмуада ҳам бўлди. Биргина Чирчиқ дарёси соҳилида бунёд этилаётган “Чорвоқ дарвозаси” мажмуаси кунига 5 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Бу оромгоҳнинг ўзида мавсумийлари билан бирга 2 минг 500 та иш ўрни яратилади.

Угам дарёси бўйидаги мажмуада 17 та кўп қаватли уй қад кўтармоқда. Шунингдек, 16 та коттеж, 3 та ресторан, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилади. Болалар ўйингоҳлари, ёпиқ сув ҳавзаси, фитнес ва спорт майдончалари, амфитеатр, автотураргоҳ, автомобиль кўприги, тоғ ва соҳил бўйи йўлаклари ҳам ташкил этилади. Бу ва тумандаги бошқа бунёдкорликлар ҳудуднинг туризм салоҳиятини янада оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари туманнинг яна бир янги туризм масканида бўлиб, капсула шаклидаги уйларга эътибор қаратди. Ойнаванд капсула уйларнинг ўзига хос томони шундаки, улар енгил, кўчма, камхарж. Табиатга ҳам зиён етказмайди. Барчага маъқул келаётган бундай якка тартибдаги уйларни кенг оммалаштириш лозимлиги таъкидланди.

Дам олувчилар учун яратилган бундай қулай шарт-шароитлар туризм соҳасида дунёнинг манаман деган ором манзиллари билан рақобат қила олади. Денгиз-чи, денгиз, демоқчимисиз? Денгиздек ястанган “Чорвоқ” сув омборига бир назар солинг. Жавобни ўзингиз топасиз.

Дарёлар бор жойда чироқ ўчмайди

Давлатимиз раҳбари ташрифи чоғида “Угам-1” кичик гидроэлектр станциясини ҳам кўздан кечирди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳудуддаги “Чорбоғ”, “Хумсон” ва “Угам” маҳаллаларидаги 5 мингта хонадон ҳамда туризм ва дам олиш масканлари узлуксиз электр энергияси билан таъминланади.

Бугун мамлакатимизда энергия қувватларини оширишда кўплаб манбалардан фойдаланилмоқда. Улар орасида гидроэнергетиканинг ўрни бошқача. Улар қулай ва самарали. Кичик ГЭСлар умумий тармоққа уланмасдан бир ҳудуд ёки маҳаллани электр билан таъминлай олади. Ана шундай кичик ГЭСлар туфайли Бўстонликнинг тоғли қишлоқларида сира ҳам чироқ ўчмайди.

Бу борада тоғдан шитоб билан оқиб тушадиган Чотқол, Кўксув, Писком, Угам дарёлари имкониятларидан фойдаланиш бағоят муҳим аҳамият касб этади. Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, бу ҳудудларда ҳар бир километрдаги нишаблик тўрт метрни ташкил қилар экан. Энди сув оқими кучини тасаввур қилаверинг! Шу боис ГЭСлар имкониятидан фойдаланиш табиий равишда давр талабига айланди.

Тошкент вилоятида умумий қуввати 1 минг 330 мегаватт бўлган 25 та гидроэлектр станцияси ишлаб турибди. Биргина Чирчиқ-Бўзсув ГЭСи бешта, яъни Ўрта Чирчиқ, Чирчиқ, Қодирия, Тошкент, Қуйи Бўзсув каскадларига бўлинади. Чорвоқ, Хўжакент, Ғазалкент каби ГЭСлар қуввати ҳам улардан кам эмас. Бу ерда олинаётган электр қуввати таннархи бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Шу боис кейинги йилларда бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 400 мегаваттдан ортиқ янги гидроэлектр станциялари барпо этилиб, уларнинг қуввати 2,2 гигаваттга етказилди. Бу республикамиздаги жами гидроэнергетика қувватининг 60 фоизига тенгдир. Бугунги кунда қиймати 880 миллион доллар ва қуввати 340 мегаватт бўлган яна 4 та ГЭС қурилмоқда. Мазкур иншоотларни барпо этишда Писком ва Угам дарёлари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Чунки бу ерда Чотқол ва Кўксув дарёлари ён-атрофига нисбатан бир неча баробар кўп аҳоли яшайди.

Президентимиз ташрифи чоғида очиқланган янгиликлардан яна бири шу бўлдики, 2028 йилгача вилоятда умумий қуввати қарийб 2 минг 400 мегаватт бўлган 4 миллиард 800 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилади. “Угам-1” кичик ГЭСини қуриш орқали йилига 11,8 миллион киловатт соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди. Сув оқимидан такрор-такрор фойдаланиш орқали бундай станцияларни ўнтагача етказиш мумкинлиги таъкидланди. Мамлакатимиз бўйича икки мингтагача микро ва кичик ГЭСлар қуриш имконияти борлиги истиқболимизнинг нақадар порлоқ эканини кўрсатиб турибди.

Бу билан нафақат энергетика масаласи ҳал бўлади, балки ҳудуд инфратузилмаси ҳам яхшиланади. Тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнайди.

Бўстонлиқ – мўъжизалар майдонига айланмоқда





Номи ҳам ўзидек гўзал...

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун янада мақбул шароитларни ҳозирлаш, темир йўлларни электрлаштириш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишларига ҳам эътибор қаратди. Тошкент ва Хўжакент оралиғидаги темир йўлга туташ майдонлар 2025 йилги реновация дастурига киритиладиган бўлди. Демак, Қибрай ҳам, Чирчиқ ҳам, Бўстонлиқ ҳам янада обод ва кўркам бўлади.

Сир эмас, сайёҳлар кўпроқ табиатга, тоза ҳавога интилади. Шуни инобатга олиб, мавжуд яшил майдонлар кенгайтирилади.

Ташриф чоғида аҳолининг анъанавий шаклланган касб-ҳунарларини ҳам асраш кераклиги таъкидланди. Масалан, туман асал, лимон етиштириш учун мос. Тоғ асали минг дардга даво эканини ҳамма билади. Шундан тоғ асалининг харидори кўп.

Бундан бир муддат аввал Ўзбекистон лимончилари уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Н.Фахриддинов қибрайлик машҳур халқ селекционери, отаси Зайниддин Фахриддиновнинг ишларини давом эттириб, лимоннинг совуққа чидамли, серҳосил янги навини яратгани ҳақида эшитган эдик. Бугун тоғликлар хонадонларидаги томорқаларида ана шу навлардан юқори ҳосил олина бошлаганини эшитиб, яна қувондик.

Хуллас, туман мўъжизалар майдонига айланиб бормоқда. Бу ҳудуднинг номи гўзал, номидан ҳам ўзи гўзал. Бугун Бўстонликда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳадемай оламга достон бўлади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

...1989 йилда Республика радиосида ишлардим. Ёш ижодкорлар семинарини ёритиш учун ҳамкасбим, раҳматли Неъмат ака Муродов билан “Дўрмон” ижод уйига бордик. Бизга умидли ёш шоир сифатида фарғоналик Иқбол Мирзаалиевдан интервью олишни маслаҳат беришди. Магнит лентасига ёзиб олинган суҳбатни кўп ўтмасдан эфирга узатдик. Ўшанда Иқбол йигирма икки яшар навқирон йигит эди.

Шеъриятимиз ИҚБОЛИ



Аввало Иқбол Мирзо тахаллуси қандай шаклланганига аниқлик киритсак. Устоз Умарали Норматов “Қўшиқлар қанотидаги туғёнлар” мақоласида ёзади:

“Зулфия опа бир учрашувда Иқболнинг матбуотда эълон қилинган илк шеърлари устида гап очиб: «Бирам бокира, бирам шўх-шодон, айни чоғда нурга йўғрилган мунгли туйғулар, дедилар ва «Иқбол» бу йигитнинг исмими ёки тахаллусими?» деб сўрадилар. Мен исми эканини айтганимда, «Тахаллуси исми билан туғилган экан, илк шеърлари ижоддаги иқболидан дарак бериб турибди. Айтинг, бошқа тахаллус қидириб юрмасин», дея маслаҳат бердилар. Бу гапларни мен Иқболга етказганимда қувончдан кўзлари чақнаб, устоз шоира тилакларини бажонидил қабул қилди, фақат «Иқбол» ёнига падари бузрукворининг «Мирзо» насабини қўшиб олди. Тошкентда ўтган «Туркистон халқлари мушоираси»да тўлиб-тошиб шеър ўқиганида Чингиз Айтматов беҳад қувониб Иқбол Мирзо шеърларига юксак баҳо бергани ҳаммамизнинг ёдимизда. Ғафур Ғулом номидаги боғда улуғ шоир ҳайкали очилишига бағишланган маросимда Иқбол Мирзонинг қисқа, аммо дилрабо қўшиқдай янграган маънодор сўзлари кўплар қатори Биринчи Президентимизни ҳам тўлқинлантириб юборганди. Ўшанда Ислом Каримов ёш шоирни оталарча бағрига босиб қутлаган эди”.

...Иқбол Мирзо халқимизнинг ардоқли шоиридир. У шеъриятимизда Муқимий, Фурқат, Ҳамзахон-Ниҳон каби сўнгги лирик шоирларимиздан кейин, ниҳоят, соф лирикага яна қайта жон бахш этди. Жумладан, «Гўё» сарлавҳали шеърининг афсунгарона оҳанги руҳиятни авраб, мастона тебратади:

Бир дарахтни кўрдим – мағрур, баркамол,
Истаган фаслида гуллайдигандай.
Писандига келмас ёмғир, қор, шамол:
Дуркун барги мангу сўлмайдигандай.

Шул дарахтнинг олдида хор-ғарибман,
Йўл ярмига етар-етмас ҳорибман,
Ҳаводан куз ҳидин олиб турибман,
Баҳор менга қайтиб келмайдигандай...

Иқбол ўз суҳбатларидан бирида шундай таъкидлайди:

“Аллоҳ буюк ижодкорларнинг тилига, дилига, зарофатига сўзларнинг ҳаракатини, сеҳрини солганки, оддийгина ҳамма айтадиган сўзларни ҳам уларнинг тилидан эшитадиган бўлсак, кишига бошқача таъсир қилади”.

Шоирларнинг бундай салоҳиятини Усмон Азим “сўзни куйлатиш” деб таърифлаганди.

Отахон адибимиз Саид Аҳмад Иқбол Мирзо шеъриятининг ўзига хос хусусиятини алоҳида таъкидлаган: “Иқбол шеър тилини яхши билади, яхши тушунади. Шеър тилини билган шоир ОВОЗни кўради, ШАМОЛни кафтига қўйиб, орқа-ўнгига қарайди. Шоир бўлмаган кишиларга, ҳатто кўп йиллардан бери адабиётда ғимирлаб юриб, ўзини топмаган шоирларга ҳам буни тушунтириш қийин. Буни билиш учун, албатта, Иқбол Мирзонинг шеърларини ўқиш керак.”

Иқбол Мирзо шеъриятида есенинона руҳ устувор. Ўқитувчилар, яъни зиёлилар оиласида туғилиб вояга етган шоир бунинг сабабини Есенин шеърларини ўсмирлик пайтидаёқ ёд олгани билан изоҳлайди:

“Хонадонимизда китобга, адабиётга алоҳида эътибор бериларди. Эсимда, бешинчида ўқиётганимда Сергей Есенининг “Замин дарғаси” (Устоз Эркин Воҳидов таржималарида) китобини ёд олганим учун дадам мукофот тариқасида Қўқон шаҳрига томошага олиб борганди. Ўша даврдаги ваҳимали ҳикоялар таъсириданми, ҳар қалай, хон Ўрдаси менга жуда совуқ ва омонат туюлган эди. Кейин мавлоно Муқимий уй музейига кириб, тасодифан Чархий домла билан учрашганимиз, у кишининг баъзи сўзлари, жумладан, “шеър – нондек табаррук” деганларини аниқ-тиниқ эслайман. Мен илк бор тирик шоир билан юзма-юз турардим, ҳаяжоним зўрлигидан дудуқланиб, гапиролмай қолганим, дадамнинг хижолат бўлиб кулгани, кейин эркалатиб, “Сиз ҳаммадан зўр шоир бўласиз”, деб пешонамдан ўпгани, кафтининг ҳарорати ҳамон ёдимда. Ҳозир ҳам яхши шоирлар олдида ҳаяжоним бор, бунинг сабаби азбаройи адабиётга ҳурмат-эътиқодимдан”.

Бундан келиб чиқадики, Иқбол Мирзо шеърият гулшанига илк оқ йўлни қайсидир маънода атоқли ғазалнавис шоир Чархий домладан олган.

Иқбол Мирзо шеърларидан бирида “Олдим шоир деган тавқи лаънатни” деб ёзғиради. Шуниси эътиборга моликки, Иосиф Бродский ҳам шоирликни лаънатланган касб деб атайди. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим эса шоирликни “сўзни куйлатишдек лаънати юмуш” деб таърифлайди. Бу шоирлик, кимлардир ўйлагандек, роҳату фароғат эмас, азобу уқубатлар исканжасидаги ҳаёт эканидан келиб чиқса, ажаб эмас. Зотан, Рауф Парфи таъкидлаганидек, “шоирнинг онаси – изтироб”. Энг муҳими Ҳазрат Навоий айтганидек, қисмат кимнинг кўксини нишонга олиб, ўқ узар экан, бу ўқ энг аввало шоирнинг “дарвозасиз қалбини” (Абдулла Орипов) жароҳатлайди:

Не балодурким, фалак ҳар кимга
чекса тиғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимга
бедод айлагай.

Иқбол Мирзо сингари оташнафас дуогўй шоирлари бисёр халқнинг тўйлари тўйларга уланиши шубҳасиз. Уни асосан қўшиқнавис шоир сифатида таърифлайдиган мунаққидлар ҳам бор. Устоз Умарали Норматов юқорида келтирганимиз “Қўшиқлар қанотидаги туғёнлар” мақоласида жумладан шундай фикр билдиради:

“Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, ижодкор жанрни танламайди, балки жанрнинг ўзи ижодкорини топиб олади. Иқбол ижодий тақдирида ҳам айни шу ҳол юз берди, қадим қўшиқ олами Иқбол сиймосида яна бир ўз одамини топди. Аслида, илк изланишларида, ҳатто мажозий шеърларида ҳам қўшиқчиликка мойиллик аломатлари кўринган эди. Мана, ўн беш йилдирки, у қўшиқлар қанотида парвоз этиб келади. Янги бир шеърлар китобини «Қўшиқларим» деб аташи бежиз эмас. Муҳаббат эски нарса, лекин ҳар бир кўнгил уни янгилайди деганларидек, бу қадим поёнсиз бўстонда ўзлигини намоён этишга, ўз сўзини айтишга эришди, эришаётир. У тарих, кечмиш сабоқлари, киндик қони тўкилган юрт, болалик хотиралари, ишқ-муҳаббат, ҳижрон изтироби, висол сурури ҳақида куйлайдими, бу фоний дунёдан бевақт кетган отасига, шоир оғаларига атаб марсиялар битадими – фақат ўзи ҳис этган, қалбидан кечган ҳис-туйғуларини қўшиққа солади; кутилмаган, фақат Иқбол қаламигагина хос бетакрор ташбеҳлар ўз-ўзидан қуйилиб келади, халқ қўшиқларидан, қадим битиклардан ўтган мисралар ҳам худди шоирнинг ихтиросидек янграйди”.

Адабиётга асосан шоир сифатида кириб келган Иқбол Мирзо насрда ҳам қалам тебратиб, “Бону” романини ёзди. Роман абадий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммаси томонидан муносиб баҳоланди. Қолаверса, Ҳазрат Навоийнинг Самарқандда кечган йилларига бағишланган “Самарқанд сайқали” драмасини ёзиб, ўзини драматург сифатида ҳам намоён қилди. Бир парда, саккиз кўринишли мазкур драма шеърий услубда ёзилгани алоҳида аҳамиятга молик. Шунингдек, Иқбол Мирзо Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асари асосида илмий иш ёқлаб, олим унвонига сазовор бўлди. Унга ўзи таълим олган Фарғона педагогика университети профессори фахрий унвони берилди.

Иқбол Мирзонинг қуйидаги эътирофи ҳам унинг қанчалар заҳматкаш ижодкор эканини тасдиқлайди:

“Яқиндагина, шартли равишдаги “Йўл” номли 10 қисмдан иборат кино сценарийни ёзиб тугалладим. Айни кунларда суратга олиш ишларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кейин, анча йиллардан бери, болалар даврасига тушиб қолгудек бўлсам, устозларимизнинг болаларбоп шеърларидан ўқиб хижолатли вазиятлардан чиқиб келардим. Ниҳоят шу йилда, қизалоғим Кумушой баҳонаси билан болаларга мўлжалланган “Эркатой” деб аталган мўъжаз китобчани ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилдим. Айни бу нарсани ижодимда янгилик сифатида баҳоласа бўлади, деб ўйлайман. Шундан келиб чиқиб, катталар доираси қатори болаларбоп китоблар сони ва сифатини ошириш ҳам режамда бор”.

...Иқбол Мирзо бугунги кунда туғма истеъдодли шоир, адиб, олим сифатида ёшларнинг талабчан устозига айланди. У зиммасидаги устозлик масъулиятини теран ҳис қилади:

“Бир мевазор боғ яратиш учун минг ёки ўн минг кўчат ўтқазиб қўйишнинг ўзи кифоя эмас. Уста боғбонлар таъбири билан айтганда, ниҳол кўкартиришнинг бирламчи мезони – соз ер танлаш. Шу маънода, неча мингйилликлардан бери сайқал топиб келаётган ўзбек адабиёти бугунги ижод аҳли учун бағри кенг, баракали, унумли заминдир. Бугун ҳеч ким янги ер очиб, алоҳида боғ барпо этаётгани йўқ, лекин ўзбек адабиёти деб аталмиш улкан ва забардаст дарахтзорга баҳоли қудрат ниҳол қўшаяпти. Бизнинг ишимиз эса, Навоий, Огаҳий, Чўлпону Қодирийлардан мерос қолган бу муаззам боғни асраш, имконимиз даражасида кенгайтириш, уни бачки кўчатлар босиб кетишидан эҳтиётлаш, энг муҳими, ўзимиздан кейингиларга бус-бутун ҳолда етказишдир”.

Шоир фикрларини давом эттириб, қўшимча қилади:

“Устоз шоир Ғафур Ғуломнинг “Истеъдодларга ёрдам беришимиз керак, талантсизлар ўзи ёриб чиқаверади” деган машҳур иборати бор. Қаранг, шу бир оғиз лутфда истеъдод соҳиби нақадар ардоқлангану истеъдодсиз одамнинг сурбетлиги қанчалик фош этилган. Чиндан ҳам истеъдодли одамни юзага чиқариш бирмунча мушкул. Чунки улар ўз ҳаддини биладиган, давраларда ийманиброқ турадиган тоифа. Ҳадеганда мана мен деб ёнингизга келавермайди ҳам. Аммо устозлар бир жойда “йилт” этган учқун кўрса, шуни дарҳол илғашга, ўша митти шуълани алангага айлантиришга ўзларини масъул сезиши керак. Истеъдод тарбияси – фалон китоб дўконига борсанг китобларим сотиляпти, ўшани ўқисанг шоир бўлиб кетасан, дегани эмас. Адабиётга муҳаббати бор ёш қалбни майда майллар ва бемаъни худбинликка етаклаган устоз ҳақиқий устоз ҳисобланмайди. Вилоятларга сафар қилган чоғимда, бир даста шеърини қўлимга бериб, “Фикрингизни билмоқчийдим” деган камтар-камсуқум болалар орасидан бугун пойтахтдаги мушоираларда кўкрак кериб шеър ўқиётган унча-мунча йигит-қизлардан истеъдодлироқ ёшлар чиқяпти”.

Иқбол Мирзо ўзбек шеъриятида ўз ўрнига эга лирик шоир бўлиб турибди. Унинг бетакрор ижоди навбатдаги лирик шоирлар авлоди учун пиллапоя бўлиши шубҳасиз.

Абдуҳамид ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Қарор ва ижро

Оиласиз тугал жамият, жамиятсиз эса, давлат бўлмаганидек – ижтимоий борлиқни тартиб-қоидаларсиз, қонунларсиз тасаввур қилиш мушкул. Улар гуёки инсон танасидаги қон томирларига ўхшайди. Бироқ қонунлар қанчалик мукаммал бўлмасин уни ҳаётга татбиқ этувчи бўғин оқсаб бораверар экан – қабул қилинган ҳар қандай ҳужжат ва ундан кутилажак натижа – шунчаки жимжимадор ёзувлар ила қоғозда қолиб кетаверади. Зеро, “Қонунлар ижросини таъминлаш – уларни яратишдан кўра муҳимроқдир”, деган эди жаҳонга машҳур сиёсатдонлардан бири.



ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

уларни яратишдан кўра муҳимроқдир

Айни шу жиҳатдан кейинги вақтларда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда таълим масканларида ўқув сифатини юқори босқичга кўтариш бўйича аниқ манзилли ва моҳиятан салмоқли ишлар қилинмоқда.

Энг аввало, бу борадаги ислоҳотларга тўхталар эканмиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 августдаги **“Давлат таълим муассасаларида юридик таълимнинг узлуксиз тизимини жорий этиш ҳамда вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”** қарори мазкур масалани тартибга солиш ва амалга ошириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этиш зарур.

Қарорнинг асосий мақсади – ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг юридик маданиятини шакллантириш ва жамиятда қонунларга ҳурмат ҳиссини кучайтиришдан иборат.

Ҳужжат билан давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани чуқурлаштириб ўқитилишини ташкил этиш, ўқувчиларни “юриспруденция” йўналиши бўйича вариатив ўқув режалари асосида таълимнинг кейинги босқичларида самарали таълим олишга тайёрлаш, назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган маҳорат ва ўқув дарсларини ўтказиш учун юридик амалиёт ходимларини жалб қилиш орқали дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш белгиланди.

Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини мукаммал ўзлаштириши учун зарур шароитларни яратиш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан, шахсларо мулоқот, зарур ҳуқуқий маълумотларни тез қидириб топиш ва мустақил таҳлил қилиш ҳамда бу борада ўз муносабатини билдириш қобилиятларини ривожлантириш вазифаси устувор этиб қўйилди. Бунинг учун юқори касб маҳоратига ҳамда профессионал тайёргарликка эга бўлган тажрибали педагог ўқитувчилар жалб этилади. Ўқувчилар “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанидан мактаб, туман (шаҳар), вилоят ва республика олимпиадаларида ҳамда бошқа тадбирларда иштирок этишга тайёрланади.

“Қаердаки қонунни билгувчилар кўп бўлса, ўша ерда эркинлик ва адолат ҳукм суради”, деб ёзган эди бундан минг йиллар муқаддам Суқрот. Дарҳақиқат, шундай. Қарор билан умумтаълим муассасаларида ҳуқуқ фанидан дарс берадиган олий юридик маълумотга эга бўлмаган педагог ходимларни бепул асосда босқичма-босқич юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчиларнинг юридик билимларини мустаҳкамлаш ва дарсларни самарали ўтказиш учун зарур бўлган компетенцияларни ошириш имконини беради.

Мазкур муҳим қарор ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишда сезиларли ўзгаришларга олиб келишидан умидворимиз.

Ориф БОЙҚУВВАТОВ,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

Мавсум юмушлари

ТЎҚСОНБОСДИ – ТЎҚСОН БОТМОН ДАРОМАД

Тошкент вилоятининг иқлими йилнинг тўрт фаслида аҳоли томорқасидан сабзавот етиштиришга қулай. Шу туфайли бу оилаларнинг даромад манбаига айланмоқда. Ўз навбатида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам етиштирилган маҳсулотларга харидорлар талаби ортмоқда.



Хусусан, Пискент туманида ҳам томорқачилик бўйича намуна кўрсатаётган оилалар кўп. Улар мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланмаётган, вақтида агротехник тадбирларни амалга оширмай, охир-оқибат ҳосилсиз, даромадсиз қолаётганларга ўрнак бўлмоқда.

Жорий йилнинг октябрь ойида давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи давомида айнан қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этиб, экологик тоза, арзон ва сифатли маҳсулотлар етиштириб, ички бозорни барқарор таъминлаш борасида томорқа хўжаликларининг тажрибаси ҳақида ҳам сўз юритган эди.

– Телевизорда Президентимизнинг туманимиз ҳақидаги илиқ сўзларини эшитиб, қалбим ғурурга тўлди, – дейди “Бекобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Дилшодбек Мирсоатов. – Лавҳани бошидан кўра олмаганим учун ўша заҳотиёқ “Нега, айнан Пискент?” деган савол туғилди. Лекин ижтимоий тармоқларда ушбу лавҳани қайта-қайта томоша қилганимда, саволимга аниқ жавоб топдим. Маълум бўлишича, туманимиз ҳокими Музаффар Арипов “Мингтепа” маҳалласи мисолида томорқалардан беш марта ҳосил олаётган хонадонларни тилга олиб, пискентлик миришкорларнинг изланишлари ҳақида сўз очган. Шунда Президентимиз туман аҳолисининг меҳнатсеварлигини юксак баҳолаб, уларнинг фидойилигини эътироф этган. Шунда, эҳ, аттанг, ҳокимимизга ўз томорқамдан олти марта ҳосил олаётганим ҳақида аввалроқ айтиб қўйсам бўлар экан, деб афсусландим. Ҳақиқатан ҳам, охирги йилларда биз, пискентликлар ердан олти мартагача ҳосил олишга эришмоқдамиз. Кейин эса тушундимки, эҳтимол ҳокимимиз катта ишончни эҳтиёткорлик билан оқлаш учун маълумотни бироз юмшатиб айтгандир.

Гапнинг очиғи ҳам шу. Айни пайтда пискентликлар ўз меҳнати ва соҳадаги замонавий тажрибалари билан томорқадан фойдаланиш маданиятини янги босқичга кўтаришмоқда. Мисол учун, “Файзобод” маҳалласилик Соҳиба Абдураҳмонова иссиқхонасида учинчи ҳосилни йиғиштиришга ҳозирлик кўрмоқда. Диловар Сафарова гулчиликни ривожлантирган бўлса, лимончиликда катта муваффақиятларга эришган оилалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, Нодира Қамбарова иссиқхона ва асаларичилик билан шуғулланиб, нафақат ўз оиласини, балки қўни-қўшнилари ҳам маҳсулотлари билан таъминламоқда.

“Янгиобод” маҳалласида ҳам ана шундай иссиқхоналар ташкил этилиб, аҳоли замонавий деҳқончилик усуллари орқали яхши натижаларга эришмоқда. Ушбу ҳудудда барпо этилган иссиқхоналар нафақат маҳаллий аҳоли даромадини оширишга, балки янги иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қилмоқда.

Маълумки, эндиликда Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, ўзини ўзи банд қилганлар 100 миллион сўмгача кафолатсиз кредит олиши мумкин бўлди. Бу имкониятдан самарали фойдаланган “Бекобод” маҳалласилик Камолиддин Содиқов ҳам кредит олиб, иссиқхона ташкил қилди. Бугунги кунда у помидор, бодринг етиштириб, ички ва ташқи бозорга етказиб бермоқда. Шунингдек, деҳқон иссиқхонасида узумнинг янги навини экиб, оммалаштиришни ният қилган.

Бу ҳудудда аҳоли асосан тўқсонбости экинлар, полиз маҳсулотлари етиштиради. Айниқса, турли кўкатларни парваришлаш жуда оммалашган. Ўсимликларни суғоришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланилиши эса ҳосилдорликни янада оширмоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ



ЙИЛЛАР ВА РАҚАМЛАР

Ўтган йиллар давомида шаҳримизда иқтисодиёт соҳаси, бандлик, аҳолини камбағалликдан чиқариш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби қатор йўналишларда залворли ютуқлар қўлга киритилди.

Жумладан, 2024 йил январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 30,3 трлн. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 104,1 фоизни ташкил этди. Йил якуни билан саноат маҳсулотлари ҳажмини 39,1 трлн. сўмга, ўсиш суръатини 105,5 фоизга етказиш режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш ҳажми жорий йилнинг 9 ойи давомида 2 трлн. сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 113,4 фоизни ташкил қилди. Йил якуни билан бу кўрсаткич 2,7 трлн. сўм (117,6 фоиз)га ошиши кутилмоқда.

Чакана савдо айланмаси 2 трлн. сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 109,6 фоиз, қурилиш пудрат ишлари ҳажми 1,9 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 118,9 фоизга етди.

“Бандлик дастури” ижроси юзасидан жорий йил якунига қадар 26 минг 384 нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш режа қилинган эди. Шунга кўра, январь-сентябрь ойларида 16 минг 876 та янги иш ўрни ташкил этиш белгиланиб, ҳозирга қадар режа 107,5 фоизга бажарилди.

Шаҳарда рангли металлургия, қурилиш материаллари ва минерал ўғит маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам жадал ривожланмоқда.

Хусусан, шаҳарда 5 та йирик саноат корхонаси, 2 минг 554 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатади.

2022-2026 йиллар оралиғида шаҳардаги Ислом Каримов ва Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллалар ҳудудидаги 59,1 гектар ер майдонида “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилиши режалаштирилган. Массивда 8 минг 515 хонадонли 114 та тураржойлар, замонавий шаҳарсозлик объектлари қурилади. Шунингдек, бош режага уйғун равишда массивни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2023-2024 йилларда шаҳар ҳудудида 450 минг дона манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

2022-2024 йиллар давомида шаҳар ҳудудидаги маҳаллаларнинг ички йўллари ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам қатор ишлар бажарилди. Жумладан, биргина 2024 йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси бўйича шаҳарнинг олтита маҳалласида 9,5 км. узунликда ички йўллар асфальтланди, шунингдек, олтита маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига қарашли марказий кўчаларда 12 км. узунликдаги “Саломатлик йўлаклари” барпо этилди.

МУҲИМ ҚАРОР

Шаҳримиз ривожлангани сари, ҳали қиладиган ишларимиз кўплиги аён бўлмоқда. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 2025-2026 йилларда шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш мақсадида 551,8 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур қарор билан белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатида ва сифатли таъминлаш мақсадида тизимли ишлар ташкил қилинмоқда.

Хусусан, ичимлик суви ва оқова тармоқларини қуриш ҳамда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 344,7 млрд. сўм маблағ йўналтирилади. Жумладан, 16 та маҳалланинг 24,8 км. узунликдаги оқова тармоқларини реконструкция қилиш учун 100,8 млрд. сўм, яна 2 та маҳалланинг 7 км. сув тармоқлари реконструкцияси учун эса 4,5 млрд. сўм, шунингдек, “Янги Ўзбекистон” массиви ичимлик сув ва оқова тармоқлари қурилиши учун 19 млн. АҚШ доллари ажратилган.

Шаҳримизда 2025-2026 йилларда электр таъминотини яхшилаш мақсадида 6,4 млрд. сўм маблағ йўналтирилади. Бу маблағга 9 та маҳалланинг 54,7 км. узунликдаги электр тармоқлари реконструкция қилинади, 19 дона трансформатор ўрнатилиб, битта подстанция қурилади.

Маҳаллалар қиёфасини янада яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш учун 50 млрд. сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Бугунги кунга келиб, тасдиқланган ишчи гуруҳ томонидан хатлов ишлари якунига етказилиб, маҳаллалар ҳудудини замонавий кўринишга келтириш бўйича таклиф лойиҳаси ишлаб чиқилди.

“Бўстон” маҳалласи ҳудудидаги 33,8 гектар ер майдонида “Кичик саноат зонаси” ташкил этилади. Бунинг учун 75 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағлари жалб қилинади, ҳудудда 25 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 1 минг 800 та иш ўрни яратилади. Натижада 15 млрд. сўм қўшимча йиллик солиқ тушуми, “E-auksion” орқали бюджетга 13,5 млрд. сўм маблағ тушиши режалаштирилган.

КАМБАҒАЛЛИКДАН – ФАРОВОНЛИК САРИ

Кейинги йилларда шаҳримизда тадбиркорлик, саноатнинг янги йўналишларини ривожлантиришга, одамларни ишли қилишга, даромадини оширишга, маҳаллаларни обод масканга айлантириш ва камбағалликни қисқартиришга катта эътибор қаратиляпти.

Ҳозирда шаҳардаги 52 та маҳаллада 147 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Барча даражадаги раҳбарларнинг шахсан маҳаллаларда бўлиб, хонадонларга кириб, мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилиб бераётганлари сабабли, одамларнинг руҳи кўтарилиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланмоқда.

Аҳолининг камбағаллик даражаси 3 фоиз (1 минг 651 нафар)ни ташкил этади. Бу қатламни камбағалликдан чиқаришда имтиёзли кредитлар ва давлат томонидан ажратиладиган субсидиялар муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, “Оилавий тадбиркорлик” дастурлари доирасида 2024 йилда 18,4 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, 52 та маҳалла кесимида тақсимланган.

Хусусан, 2024 йил 1 октябрь ҳолатига “Онлайн маҳалла” платформаси орқали жами қиймати 15,3 млрд. сўм бўлган 7 минг 846 та лойиҳа учун ариза келиб тушган. Шундан ҳоким ёрдамчилари томонидан ижобий тавсияномалар берилган 821 та лойиҳага 10,8 млрд. сўм кредит ажратилди. Натижада мингга яқин иш ўринлари ташкил этилди.

Ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш орқали ишсиз аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида 210 нафар фуқарога 776,7 млн. сўм субсидия ажратилди.

Шаҳримизда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестр” ахборот тизимида жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 1 минг 524 та оила кам таъминланган деб топилган. Ушбу хонадонларда яшовчи 5 минг 458 нафар фуқаронинг 3 минг 123 нафари меҳнат ёши (18-60 ёш)дагилар ҳисобланади.

Камбағал оилаларнинг меҳнатга лаёқатли 1 минг 625 нафар аъзолари доимий иш билан банд бўлса-да, тўлиқсиз иш режимида ишлаши, оила даромадининг камлиги, касбий кўникмаси йўқлиги ва таълим даражаси пастлиги, кўп болали оила сифатида имтиёз берилганлиги ва бошқа сабабларга кўра ижтимоий реестрга киритилган.











Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

ТАЖРИБАДАН ТАЖРИБАГА

Шаҳар бўйича ҳар бир маҳаллада “Сайхунобод” тажрибаси асосида жорий йил якунига қадар 1 минг 560 та микролойиҳани ишга тушириш белгиланган эди, амалда 1 минг 602 та лойиҳа фойдаланишга қабул қилиниб, 2 минг 682 та иш ўрни яратилди.

Тижорат банклари томонидан “Уйчи” тажрибаси асосида 14 марта учрашув ўтказилиб, 2 минг 594 та иш ўрни ташкил этилди. “Зарбдор” тажрибаси асосида эса қиймати 290,3 млрд. сўмлик 7 та “драйвер” лойиҳа танлаб олинган. Улардан 3 таси хизмат кўрсатиш, 4 таси саноат йўналишида. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 840 та янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча 4,4 млрд. сўм тушириш имконияти пайдо бўлади. Бугунги кунда танлаб олинган лойиҳалар бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

“Ғиждувон” тажрибасига кўра, 5 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, якунда 988 та иш ўрни яратилади.

ШАҲАРНИНГ "САНОАТ УЧБУРЧАГИ"

Шаҳримиз иқтисодининг асосий драйвери бу, шубҳасиз, Олмалиқ кон-металлургия комбинатидир. Иқтисодиёт, иш ўринлари, уй-жойлар, маданият ва таълим масканлари ушбу мажмуа негизида шаклланган.

Маълумки, Олмалиқ кон-металлургия комбинати рангли, нодир ва қимматбаҳо металлар қазиб чиқаришда етакчи. Мамлакатимиз ялпи саноат маҳсулотининг 5 фоизи, саноат маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Комбинат тизимида 35 мингга яқин киши ишлайди.

Шаҳарда келажак кадрларини тайёрлаш ҳам тизимли йўлга қўйилган. Хусусан, Тошкент давлат техника университети ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институтининг филиаллари очилган. Яқинда буларга қўшимча Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Муҳандислик мактаби ташкил этилди.

Бу ерда Германия тажрибаси асосида йилига 480 нафар муҳандис тайёрланади ҳамда минг нафар ходимнинг малакаси оширилади. Дарс жараёнлари йўналиш ва мавзулардан келиб чиқиб, хорижлик профессор-ўқитувчилар иштирокида олиб борилади.

Ўқув дастури Германиянинг Фрайберг кончилик академияси, “GP Günter Papenburg AG” ва “Aurubis AG” компанияларининг илғор таълим методологиялари асосида ишлаб чиқилган. Мактаб шунга мувофиқ, механика, металлургия, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, фойдали қазилмаларни бойитиш, энергетика йўналишлари бўйича замонавий ўқув-амалиёт ускуналари билан жиҳозланган.

Қисқа вақтда бу ерда 100 дан ортиқ ёшлар ўқиб, тармоқ корхоналарига ишга жойлашган.

Яна бир муҳим томони, бугун дунёда “яшил иқтисодиёт”, электр техникаси, электромобиллар саноати жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёж 40 фоизга ортиши кутилмоқда. Яъни, Олмалиқ комбинати маҳсулотларига талаб узоқ йиллар давомида халқаро даражада бўлади. Келгусида комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 3 мартадан зиёд кўпайиб, унинг қиймати қарийб 8 миллиард долларга етади. 11 мингта янги, юқори технологик иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, шаҳримиздаги яна бир йирик – “Enter Steel” механика таъмирлаш корхонасида 350 киши меҳнат қилади. Корхона енгил ва оғир саноат, хусусан, тоғ-кон, газкимё йўналишидаги объектлар учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар етказиб беради. Ишлаб чиқарилаётган балка, устун, эстакада, электр токи узатиш таянчлари, сув минораларини, ёритиш устунлари, GSM антенна мачталари каби металлконструкция маҳсулотлари, юқори босимга чидамли резервуарлар, бурғилаш ускуналари, электр қутиларга талаб юқори.

Бу ерга Хитой, Италия, Германия каби давлатлардан энг замонавий ускуналар келтирилгани маҳсулотлар сифати ва иш унумдорлиги юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари, Пискент ва Оҳангарон туманларининг вилоят саноатидаги улуши 50 фоизни ташкил қилади. Улар ёнма-ён жойлашган бўлиб, хом ашё захирасига жуда бой. Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги йиғилишда ушбу шаҳар ва туманларда ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш учун мутлақо янги тизим – “саноат учбурчаги” дастури амалга оширилиши айтилди.

Айни пайтда ушбу ҳудудда 1 минг 100 та корхона ишлаяпти. Янги лойиҳалар ҳисобига 2-3 йилда улар 1,5 мингга етади. Бу кооперация натижасида транспорт харажати ҳам, таннарх ҳам камаяди.

Режага кўра, тез орада Олмалиқ шаҳрида 1 миллиард доллар инвестиция ҳисобидан 227 гектар майдонда “Буюк Ипак йўли” махсус саноат технопарки қурилади. У ерда электротехника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика каби йўналишларда 100 га яқин корхона жойлаштирилади. 3 мингта янги иш ўрни яратилиб, йилига 5 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 300 млн. долларлик экспорт имконияти пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, шаҳримиз кундан-кунга чирой очиб, тараққиётга юз тутмоқда. Бугун бетакрор ва замонавий меъморчилик асосида қурилган Ёшлар саройи, амфитеатр мажмуаси, миллий боғ, спорт майдонлари, истироҳат боғи, катта стадион шаҳримиз аҳли ва меҳмонларига хизмат қилмоқда.

Шаҳримизда қўлга киритилаётган ютуқлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро, давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, қолаверса, шаҳримиз аҳолисининг фидокорона меҳнати, саъй-ҳаракатлари ва ташаббускорликлари эвазига шундай марраларга эришмоқдамиз.

Бугун Олмалиққа келсангиз, озода кўчалар ва серфайз хонадонларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Маҳаллаларда намунали тураржой бинолари қад ростлаяпти. Қувонарлиси, буларнинг барчаси юксак бунёдкорлик ва яратувчанлик шижоати билан яшаётган олмалиқликларни янада обод ва фаровон ҳаёт барпо этишга ундаяпти.

Хуллас, бу заминнинг унумдор тупроғи, қут-барака ёғилган дала ва боғлари, олтин, кумуш, мис, мармар, кўмир, борингки, Менделеев даврий жадвалига киритилган барча табиий захираларга бой конлари, энг муҳими, меҳнаткаш, бағрикенг, кўп миллатли аҳли Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Қобил ҲАМДАМОВ,
Олмалиқ шаҳар ҳокими

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
G‘ulomjon SAMADOV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 20:00
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1235.
2 830 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6